

19. 03. 2021. № 7

ТИБИЁТДА ҚҮЛЛАНИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ТОНЗИЛОТРЕН А
(TONSILOTREN®A)

Савдо номи
ТОНЗИЛОТРЕН А (TONSILOTREN®A)

Дори шакли
Таблеткалар

Халқаро патентланмаган номи: йўқ

Таркиби

1 таблетка (250 мг) қўйидагиларни сақлайди:

таъсир этувчи моддалар: Atropinum sulfuricum trit. D5 12,5 мг, Hepar sulfuris trit. D3 10,0 мг, Kalium bichromicum trit. D4 50,0 мг, Silicea trit. D2 5,0 мг, Mercurius bijodatus trit. D8 25,0 мг;

ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати, сахароза, магний стеарати.

Таърифи

Оқ ёки деярли оқ рангли, яssi цилиндрик шакли фаскали таблеткалар, катта бўлмаган доғлари бўлишига йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гурухи

Гомеопатик дори воситаси.

Фармакологик хусусиятлари

Гомеопатик даволаш услублари ва гомеопатик субстанцияларни қўлланилиши анъанавий тиббиётда ўрин тутган касалликлар хақидаги тушунчалардан тубдан фарқланади. Гомеопатик воситалар организмнинг хусусий химоя механизmlарини рағбатлантиради ва шу тарзда организмни ўз-ўзини даволаш имкониятларини потенциалини фаоллаштиради. Гомеопатик воситага нисбатан ҳар бир организмнинг жавоби жуда шахсийдир. Шу сабабли гомеопатик воситасини дозоспецифик (дозага боғлик) фармакологик самаралари, фармакодинамик ёки фармакокинетик маълумотларни аниқлаб бўлмайди.

Қўлланилиши

Ўткир тонзиллит, сурункали ёки қайталанувчи ўткир тонзиллит ва бодомсимон безларни катталашиши. Бодомсимон безларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаганидан кейинги битишини тезлаштириш учун қўлланилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратни хром, симоб, бошқа ҳар қандай фаол моддаларга ёки ёрдамчи моддаларнинг биронтасига маълум бўлган ўта юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

2 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

Махсус кўрсатмалар ва эҳтиёткорлик чоралари

Агар Сизнинг шифокорингиз Сизга ҳар қандай қандларни ўзлаштираолмаслик мавжудлиги хақида хабар берган бўлса, Тонзилотрен А препаратини қабул қилишини бошлашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашинг.

Препарат лактоза ва сахароза сақлайди. Галактозани ўзлаштираолмасликнинг кам учрайдиган наслий шакллари, Лаппа лактоза танқислиги ёки глюкоза-галактозани кам сўрилиш синдроми бўлган пациентлар ушбу препаратни қўллашлари мумкин эмас. Шунингдек, фруктозани ўзлаштираолмасликнинг кам наслий муоммолари ёки сахарозаизомальтоза танқислиги бўлган пациентларга препаратни қўллаш мумкин эмас.

Қуйидаги ҳолатларда:

- агар даволашнинг биринчи 2 кунида ўткир ҳолат симптомлари яхшиланмаса ёки ёмонлашса;
- агар қўшимча шикоятлар, масалан тана ҳароратини 39°C гача ошиши кузатилса шифокор билан маслаҳатлашинг.

Қалқонсимон бези касалликлари билан касалланган пациентларга, Тонзилотрен А препаратини қабул қилишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши

Тонзилотрен А препаратини ҳомиладорлик ва эмизиш даврида фақат шифокорнинг тахминий маслаҳатидан сўнг қўллаш мумкин.

Барча дори препаратлари каби, Тонзилотрен А дори воситасини ҳомиладорлик ва эмизиш даврида кутилаётган фойда ва хавф нисбатини баҳолангандан сўнг қабул қилиш керак.

Транспорт воситалари ёки бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири Таъсир килмайди.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири номаълум.

Гомеопатик препаратлар билан даволаш бошқа дори воситаларни қўллашни инкор этмайди.

Агар пациентлар ҳар қандай бошқа дори воситаларини яқинда қабул қилган бўлса ёки қабул қилишлари мумкин бўлса, уларга шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Эслатма: гомеопатик дори препаратларининг таъсирига чекиш ва алкоголни истеъмол қилиш каби салбий омиллар ёмон таъсир этиши мумкин.

Дозалаш тартиби ва қўллаш усули

Доимо ушбу қўлланилишга доир йўриқномага ёки Ўзингизни шифокорингиз ёки фармацевтнинг кўрсатмаларига амал қилинг. Агар Сиз препаратни тўғри қабул килаётганингизга ишонмасангиз Ўзингизни шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Дозалаш тартиби

Катталар: ўткир ҳолатларда: 1 таблеткадан ҳар соатда, бироқ кунига 12 таблеткадан кўп эмас, симптомлар енгиллашгунигача. Навбатдаги даволашда ёки сурункали ҳолатларда кунига 3 марта 1-2 таблеткадан қабул қилиш керак.

Педиатрия гуруҳи

2 дан 6 ёшгacha бўлган болалар: ўткир ҳолатларда ва навбатдаги даволашда ёки сурункали ҳолатларда кунига 3 марта 1 таблеткадан қабул қилинади.

6 дан 12 ёшгacha бўлган болалар: ўткир ҳолатларда 1 таблеткадан ҳар 2 соатда, бироқ симптомлар енгиллашгунигача кунига 6 таблеткадан кўп эмас. Навбатдаги даволашда ёки сурункали ҳолатларда кунига 3 марта 1 таблеткадан қабул қилинади.

12 ёш ва ундан катта болалар: ўткир ҳолатларда 1 таблеткадан ҳар соатда, бирок кунига 12 таблеткадан кўп эмас, симптомлар енгиллашгунигача. Навбатдаги даволашда ёки сурункали ҳолатларда кунига 3 марта 1-2 таблеткадан қабул қилиш керак.

Бодомсимон безларнинг катталашшида катталар ва болаларда кунига 3 марта 1 таблеткадан қабул қилинади. Даволашни 6-8 хафта давомида давом эттириш тавсия этилади.

Сурункали ва зўрайиб борувчи ўткир ҳолатларда 6-8 хафта давом этадиган даволаш бир йилда бир неча даволаш циклларини қўллаш керак.

Қўллаш усули

Таблеткалар оғизда секин эриши керак.

Кичик болалар учун таблеткани майдалаб, кейин кўп бўлмаган миқдордаги сувда эритилади.

Овқат истеъмол қилишдан олдин ёки кейин камидаги ярим соатлик танаффузга риоя қилиш керак.

Ножўя реакциялари

Жуда кам ҳолларда (<1/10000) ёки маълум бўлмаган (мавжуд маълумотлар асосида тез-тезлигини баҳолашнинг иложи йўқ): ўта юкори сезувчанлик реакциялари, масалан терида тошма кузатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Эслатма: гомеопатик дори воситаларини қабул қилишда мавжуд шикоятлар вактинчалик ёмонлашиши мумкин (бошлангич гомеопатик хуруж). Бундай ҳолларда пациентларга дори воситаларини қабул қилишни тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилиши ҳолатлари аниқланмаган.

Ўрами

20 таблеткадан блистерда. 2 блистердан тиббиётда қўлланилишига доир йўрикнома билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

25°C дан юкори бўлмаган сақлансин, болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг препаратни қўлламанг.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Др. Густав Кляйн ГмбХ & Ко. КГ.,
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,
Германия

РЎГ эгаси

Альпен Фарма ГмбХ
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,
Германия

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситасининг сифати бўйича шикоятларни
(таклифлар) қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили**
“France Pharma” МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., М. Улугбек тумани, Навниҳол кўч. 86
Тел.: +99871 230 91 93
E-mail: infopharmaff@gmail.com